

«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»

Иштихон туман Халқ таълими бўлими
муdiri  И.Н.Фозилов



БУЮРТМАЧИ:

Жамоатчилик фикри асосида аниқланган Ташаббусли бюджет (Open budget)нинг 2-мавсумида ғолиб деб топилган Иштихон тумани Халқ таълими бўлимига қарашли 1-сон Иқтисослаштирилган умумтаълим мактабини жорий таъмирлаш лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва давлат экспертиза хулосасини олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

1. Ташов иштирокчилари учун йўриқнома

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги №276-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 апрелдаги №684-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун тартиби асосида ишлаб чиқилди

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Хизматда шартнома асосида Иштихон тумани 1-сон Иқтисослаштирилган умумтаълим мактабини жорий таъмирлаш ишлари лойиҳа смета ҳужжатлари тайёрлаш ва давлат экспертиза хулосасини олиш учун.

1.2. Танловнинг охириги қиймати 18 627 000 (Ун саккиз миллион олти юз йигирма йитти минг) сўм.

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан лойиҳачи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун.

1.5. Ишларни бошлаш муддати - шартнома умумий суммасидан аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Иштихон туман Халқ таълими бўлими (бундан кейин - “Буюртмачи” деб аталади)-танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: 140700, Самарқанд вилояти Иштихон тумани Иштихон кўчаси 17 уй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов Иштихон туман Халқ таълими биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов объектига ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда)

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мажудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари - талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиб ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.